

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12. 2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ФАЗИЛОВА АЗИЗА ШУХРАТ ҚИЗИ**

**ЭРТА ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШНИНГ  
ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ  
БУЗИЛИШЛАРИНИ ТУЗАТИШ УСУЛЛАРИ**

**14.00.09 - Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of Dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Фазилова Азиза Шухрат қизи**

Эрта туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилишнинг функционал хусусиятлари ва уларнинг бузилишларини тuzатиш усуллари ..... 3

**Фазылова Азиза Шухрат кизи**

Функциональные особенности пищеварения у недоношенных и методы коррекции их нарушений ..... 31

**Fazilova Aziza Shuxrat qizi**

Functional features of digestion in premature infants and methods for correcting their disorders ..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 63

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ФАЗИЛОВА АЗИЗА ШУҲРАТ ҚИЗИ**

**ЭРТА ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШНИНГ  
ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ  
БУЗИЛИШЛАРИНИ ТУЗАТИШ УСУЛЛАРИ**

**14.00.09 - Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3. PhD/Tib3783 рақам билан рўйхатга олинган. V2022.2.PhD/Tib2624**

Диссертация Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ахмедова Дилором Илхамовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Агзамова Шоира Абдусаломовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Насирова Умида Ферузовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Республика ихтисослаштирилган педиатрия  
илмий-амалий тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил "\_\_\_\_\_" \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2025 йил "\_\_\_\_\_" \_\_\_\_\_ куни таркатилди.  
(2025 йил "\_\_\_\_\_" \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.В. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Т.А. Набиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**К.Н.Хайтов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун дунё бўйича муддатидан олдин туғилиш жамият соғлиғини сақлашнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Эпидемиологик тадқиқотлар баҳолашларига кўра, муддатидан олдин туғилиш ҳолатлари ортиб бормоқда ва ҳозирги кунда чақалоқлар орасида беш ёшгача бўлган болалар ўлимида асосий сабаб сифатида саналади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «беш ёшгача бўлган болалар ўлими ҳолатларининг тахминан 45 фоизи неонатал даврда рўй беради, уларнинг 60–80 фоизини эса гестацион ёшига нисбатан кичик ёки муддатидан олдин туғилган болалар ташкил этади. Охирги 10 йил мобайнида эришилган катта ютуқларга қарамай, ноқис туғилган ва туғилганда кам вазнли болаларнинг тирик қолиши, соғлиғи, ўсиши ва ривожланиши кўпгина мамлакатларда ҳануз хавотир уйғотмоқда.»<sup>1</sup> Ноқис туғилган чақалоқларда ҳазм қилиш тизими фаолиятининг бузилиши алоҳида ўрин тутаяди. Шиллиқ парда тўсиғининг етарли даражада шаклланмаганлиги, туғма иммунитетнинг ривожланмаганлиги ва ичакнинг юқори ўтказувчанлиги бактериялар ортиқча ўсишига замин яратади, бу эса ўз навбатида тўқималарнинг шикастланишига олиб келади.<sup>2</sup> Чақалоқ қанчалик етарлича ривожланмаган бўлса, ҳазм қилиш тизимида муаммолар пайдо бўлиши ва асоратлар ривожланиши эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Жаҳонда овқат ҳазм қилиш тизими, айниқса, ошқозон-ичак тракти фаолиятини аниқлаш, ичак микробиотасини аниқлаш ва уларнинг бузилишларини коррекциялашга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб борилишига катта эътибор қаратилмоқда. Дунёда муддатига етмай туғилган чақалоқларда ичак бутунлигини баҳолаш, улардаги бузилишларни эрта ташхислаш, шунингдек, уларни коррекциялаш усулларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш учун ичак микробиологик манзарасини ноинвазив ва ишончли биомаркерларни аниқлаш орқали ўрганиш долзарб илмий муаммолардан биридир.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида кенг кўламли комплекс дастурлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда болалар умумий аҳолининг 34,5 фоизини ташкил этиб, уларнинг саломатлиги ва фаровонлиги давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидир.. Соғлом бола туғилиши, баркамол авлод шаклланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада муддатидан олдин туғилган чақалоқларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш устувор аҳамият касб этиб, кенг камровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада, ошқозон-ичак тракти бузилишларини ташхислаш маркерларини аниқлаш ва коррекциялаш усулларини ишлаб чиқиш асосида овқат ҳазм қилиш тизими бузилишлари бўлган эрта туғилган

---

<sup>1</sup> WHO recommendations for care of the preterm or low birth weight infant. Geneva: World Health Organization; 2022. Licence: CC BY-NC-SA 3.0 IGO

<sup>2</sup> Indrio F, Neu J, Pettoello-Mantovani M, Marchese F, Martini S, Salatto A, Aceti A. Development of the Gastrointestinal Tract in Newborns as a Challenge for an Appropriate Nutrition: A Narrative Review. *Nutrients*. 2022 Mar 28;14(7):1405.

чақалоқларни комплекс даволаш ва парваришлаш самарадорлигини аниқлаш ва ишлаб чиқиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026<sup>3</sup> йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармонлари ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сон "2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида"ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг етакчи марказлари ва университетларида ҳозирги кунда муддатидан аввал туғилган чақалоқларда ҳазм қилиш тизими, айниқса, ичакларни ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда устувор йўналишлардан бири - янги туғилган чақалоқларда микробиом, яъни микроб манзарасини, овқатланиш таъсирини ва некротик энтероколит (НЭК) каби хасталикларнинг олдини олиш масалаларини ўрганишдан иборат. Муҳим тадқиқот йўналишларидан яна бири - пробиотикларни эрта жорий қилиш орқали ичакни фойдали бактериялар билан нормал колонизация қилишга таъсирини ўрганиш ҳисобланади. Бу ўз навбатида НЭК ривожланиш хавфини камайтириш имконини беради (Cilieborg et al., 2012; Ihekweazu F.D. and Versalovic J., 2018; Terrazzan Nutricionist A. C. et al., 2020). Вақтидан аввал туғилган чақалоқларни парваришлаш бўлимларида постнатал ўсишнинг кечикиши кузатилади, бу эса когнитив ва мотор бузилишларга олиб келиб, кўпинча узоқ муддатли салбий оқибатларга сабаб бўлади (Berrington A. et al., 2023; Ong et al., 2022). Ичакдаги моддалар транзитининг кечикиши на фақат овқатга тоқатсизликка, балки ичакда шиш, яллиғланиш каскадини бошланиши ва шишлар пайдо бўлишига ҳам олиб келиши мумкин (Al-Beltagi M, Saeed NK, 2024). Ҳозирги кунда ҳазм қилиш тизимининг функционал бузилишларини НЭК каби оғир асоратлар билан ўз вақтида дифференциал ташхис қилиш ва муддатидан аввал туғилган чақалоқларда бўшлиқда ва ичак деворбўйи ҳазм қилишни бузилишларини тузатиш ҳамда ичак тўсиғи ҳолатини яхшилаш учун тўғри препарат танлаш каби масалалар ҳали ҳам тортишувли бўлиб қолмоқда (Alene T. et al, 2022).

МДХ давдатларида чақалоқларда овқат ҳазм қилиш бузилишлари ҳақидаги маълумотлар асосан етук туғилган чақалоқларга тааллуқли бўлиб,

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами

мамлакатлар кесимида ҳали ҳам кам ўрганилган. МДХ мамлакатлари олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари эрта туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш масалалари янада ўрганишга лойиқ эканлигини кўрсатади (Бельмер С.В., Волюнец Г.В., 2020). Илғор технологиялар ва перинатал тиббиётнинг жадал ривожланиши, неонатал реанимация даражасининг ошиши муддатидан олдин туғилган чақалоқларнинг омон қолиш даражасини оширди (Шаряфетдинова Г.Р., Чубарова А. И., 2018). Бундай чақалоқларни парвариш қилиш уларда эрта неонатал даврда етилмаганлик ва эрта туғилиш фактининг ўзи билан боғлиқ бўлган мослашув даврининг бузилишлари ривожланиши муносабати билан синчковлик билан кузатиш ва юқори технологияларни қўллашни талаб қилиши қайд этилган (Посвиридова Е.В, 2020; Пупышева А.Ф., 2023).

Ўзбекистон олимлари томонидан 32 ҳафтадан кам муддатда туғилган чала туғилган чақалоқларда нажас биомаркерларини аниқлаш орқали ичак ҳолатини ўрганиш бўйича бир нечта тадқиқотлар ўтказилган (Хасанова С.С., 2020). Чала туғилган чақалоқларда ичак микробиологик манзараси (экмалар асосида) ва бифидо- ҳамда лактобактериялар асосидаги препаратларнинг самарадорлиги ўрганилган (Алимов А.А., 2019). Ҳомиладорликнинг 28-36 ҳафталигида чала туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилишнинг функционал бузилишлари ва уларни бартараф этишга қаратилган тадқиқотлар ҳали етарли эмас ва батафсил ўрганилмаган.

Шундай қилиб, муддатдан олдин туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизимининг мослашув жараёнлари, бузилишларини аниқлашнинг клиник, функционал ва биокимёвий усуллари, ичак микробиотасининг ҳолати етарлича ўрганилмагани инобатга олган ҳолда, овқат ҳазм қилиш тизими мослашувининг бузилишини ўрганиш, келажакда перинатал ва неонатал йўқотишларни камайтиришга имкон берадиган ҳаётнинг дастлабки кунларида дифференциал даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш перинатология ва педиатриянинг долзарб муаммолари бўлиб, бу йўналишда мақсадли тадқиқотлар олиб бориш заруратини асослайди.

**Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 "Болаларда туғма ва орттирилган касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш" илмий-тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** муддатидан олдин туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилишнинг функционал хусусиятларини гестацион ешига боғлиқлигини аниқлаш ва унинг бузилишларини тuzатиш усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

28 ҳафтадан 36 ҳафтагача эрта туғилган туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизими бузилишларининг клиник-лаборатор хусусиятларини аниқлаш; эрта туғилган чақалоқларда ичакнинг микроб пейзажи ҳолатининг клиник аҳамиятини баҳолаш;

эрта туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш бузилишларини ташхислашда фекал калпротектин ва альфа-1-антитрипсиннинг ролини баҳолаш;

28-36 ҳафтасида туғилган эрта туғилган чақалоқларда фекал биомаркерлар ва ичакнинг микроб пейзажи ҳолати ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;

муддатдан олдин туғилган чақалоқларда гастроинтестинал бузилишларни башорат қилиш ва тузатиш усулларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** 128 нафар янги туғилган чақалоқ олинган, улардан 108 нафари 28-36 ҳафталик муддатдан олдин туғилган ва 20 нафари муддатига етиб туғилган чақалоқлар бўлиб, улар назорат гуруҳини ташкил этган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида биокимёвий текширувлар учун веноз қон зардоби, нажас, шунингдек, нажаснинг бактериологик текшируви ўрганилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Умумий клиник, биокимёвий, инструментал, микробиологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

муддатидан олдин туғилган чақалоқларнинг гестацион ёши билан овқат ҳазм қилиш бузилишларининг даражаси, ичак ўтказувчанлиги ва яллиғланишининг фекал биомаркерлари ўртасидаги боғлиқлик аниқланган: ҳомиладорликнинг 28-32 ҳафталигида туғилган чақалоқларда фекал калпротектин даражасининг периферик қондаги С-реактив оқсил ( $r=0,63$ ,  $p<0,01$ ) ва лейкоцитлар ( $r=0,71$ ,  $p<0,01$ ) миқдори билан, шунингдек, чақалоқларда вазн кўшиш кечикиши ( $r=0,51$ ,  $p<0,05$ ) билан ижобий боғлиқлик исботланган, 33-36 ҳафталик чақалоқларда эса фекал калпротектин даражасининг лейкоцитар интоксикация индекси ( $r=0,38$ ,  $p<0,05$ ) билан ижобий боғлиқлик исботланган;

чала туғилган чақалоқларда бўшлиқдаги ҳазм қилиш ва ичак деворининг тўсиқ функцияси бузилишларининг оғирлик даражасини ортиши гестация ёшига ва микроб пейзажига боғлиқлиги: 28–32 ҳафтада туғилган чақалоқларда ҳаётининг биринчи ҳафтасида фекал эластаза кўрсаткичлари паст ( $166,6\pm 64,6$  мг/г,  $p<0,01$ ), альфа-1-антитрипсин даражаси юқори ( $375,4\pm 18,6$  мг/дл,  $p<0,001$ ) эканлиги, фойдали микрофлора колонизациясида жиддий кечикиш (*E.coli* – 0%, бифидобактериялар – 25,0%, лактобактериялар – 23,0%) ва шартли патоген флоранинг юқори учрашув частотаси (*Enterococcus faecalis* – 50,0%, *Klebsiella spp.* – 30,0%), облигат ва факультатив анаэроблар ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши исботланган;

гестациянинг 28-36 ҳафталик муддатидан олдин туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш бузилишларини коррекциялашда *L. reuteri* бир компонентли пробиотикни комплекс даволашда қўллаш фекал калпротектин ( $p<0,05$ ) ва альфа-1-антитрипсин ( $p<0,05$ ) даражаларининг ижобий динамикасига эришилганлиги, некротик энтероколит билан касалланган болаларнинг яшовчанлиги 3% га ошганлиги, болаларнинг реанимация бўлимида бўлиш муддати ўртача  $8,8\pm 0,01$  ( $p<0,05$ ) кунга қисқарганлиги асосида самарадорлиги исботланган;

муддатидан олдин туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш бузилишларини эрта аниқлаш ва коррекция қилиш алгоритмининг қўлланилиши туфайли некротик энтероколит ривожланиши частотасини 2 мартага камайишига ( $p < 0,05$ ), болалар яшовчанлиги 3,4% ортишига, бола ҳаётнинг биринчи йили давомида ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларини яхшиланишига ( $p < 0,05$ ) эришилгалиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

муддатига етмай туғилган чақалоқларда ичак ўтказувчанлиги ва яллиғланиши, бўшлиқдаги овқат ҳазм қилиш жараёни ва ичакнинг барьер функцияси бузилишларини баҳолаш ва аниқлаш учун биомаркерлар сифатида фекал калпротектин, фекал эластаза, альфа-1-антитрипсиннинг аҳамияти асосланган;

уларнинг 33 ҳафтагача бўлган эрта туғилган чақалоқларда, некротик энтероколит ривожланишининг юқори хавфини белгилашда фекал калпротектин ва альфа-1-антитрипсин даражасининг ушбу чақалоқларни ҳаётининг 6-7 кунда ошиши асоида прогностик аҳамияти асосланган;

бўшлиқдаги овқат ҳазм қилишнинг бузилишини кўрсатадиган, фекал эластазани паст кўрсаткичлари, шунингдек, барьер функциясининг бузилиши ва энтеропатия мавжудлигини акс эттирадиган альфа-1-антитрипсинни юқорилиги ушбу кўрсаткичларни муддудан олдин туғилган чақалоқларни ҳаётнинг 14-кунига қадар динамикада кузатиш зарурати асосланган;

гестация муддати 28-36 ҳафта бўлган муддатдан олдин туғилган чақалоқларни комплекс даволашда бир компонентли пробиотик – *L.Reuteri* - 1 кг тана вазнига 1 томчидан, панкреатик етишмовчиликнинг ўртача ва оғир даражаси билан биргаликда бўлса, Креон препаратини қўшиб кунига 8 марта 500 Ед/кг дозада қўлланилиши асосланган;

муддатига етмай туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилишнинг функционал бузилишларини ташхислаш ва тузатиш алгоритми ишлаб чиқилган бўлиб, гестацион ёшига ва клиник белгиларига қараб, ҳазм қилишнинг бузилишларнинг олдини олиш ва тузатиш имкони асосланган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий услуб ва ёндашувлардан фойдаланиш, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мувофиқлиги, умумий клиник кўринишга асосланганлиги, текширилган беморларнинг етарлилиги, ўтказилган тадқиқотнинг услубий аниқлиги, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари, тадқиқот натижаларини халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тизимли яллиғланиш медиаторлари даражаси ва динамикаси ҳамда ичак яллиғланишининг фекал белгилари, бўшлиқ ва мембранали ҳазм қилиш, ичак ўтказувчанлиги ва тўсиқ функцияси, шунингдек, улар ўртасидаги корреляцион ўзаро боғлиқлик чала туғилган болаларда ҳазм қилиш аъзолари фаолияти бузилишлари ва касалликлари патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш имконини беради.

Тадқиқот натижалари янги туғилган, айниқса чала туғилган болаларда ҳазм қилиш бузилишлари ва уларни тuzатиш муаммолари бўйича келгуси тадқиқотлар учун асос бўлишни имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гестация муддатига, клиник кўринишларига боғлиқ ҳолда муддатига етмай туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш бузилишларини ташхислаш ва коррекциялаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги, қолаверса 36 ҳафтадан кам бўлган, муддатига етмай туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизимининг бузилишларни олдини олиш ва коррекциялаш учун, комплекс даволашда бир компонентли пробиотик - L.Reuteri қўлланиши неонатал ва чақалоқлар ўлимини, шунингдек, болалар ўртасида касалланиш ва ногиронликни камайтириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Эрта туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш функционал бузилишларининг акс эттирадиган лаборатор-инструментал маркерлари ва уларни коррекциялаш усуллари такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* муддатидан олдин туғилган чақалоқларнинг гестацион ёши билан овқат ҳазм қилиш бузилишларининг даражаси, ичак ўтказувчанлиги ва яллиғланишининг фекал биомаркерлари ўртасидаги боғлиқлик аниқланган: ҳомиладорликнинг 28-32 ҳафталигида туғилган чақалоқларда фекал калпротектин даражасининг периферик қондаги С-реактив оқсил ( $r=0,63$ ,  $p<0,01$ ) ва лейкоцитлар ( $r=0,71$ ,  $p<0,01$ ) миқдори билан, шунингдек, чақалоқларда вазн қўшиш кечикиши ( $r=0,51$ ,  $p<0,05$ ) билан ижобий боғлиқлик исботланган, 33-36 ҳафталик чақалоқларда эса фекал калпротектин даражасининг лейкоцитар интоксикация индекси ( $r=0,38$ ,  $p<0,05$ ) билан ижобий боғлиқлик исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти Илмий кенгаши томонидан 2025 йил 18 мартда 03/1336-сон билан тасдиқланган "Эрта туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилишнинг функционал бузилишларини ташхислаш ва коррекциялаш" услубий тавсияларига киритилган ва мазкур таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси Республика болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 1 апрелдаги 33-сонли ва Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 22 мартдаги 22-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий техник Кенгашининг 25.04.2025 йилдаги 16/10-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** муддатидан олдин, кичик гестация ёшида (28–32 ҳафта) туғилган чақалоқларда ҳазм қилиш бузилишлари, жумладан, НЭЖ ривожланиши хавфини эрта аниқлаш стационарда қолиш муддатини қисқартириш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** олинган натижаларнинг амалий қўлланилиши муддатидан олдин, айниқса кичик гестация ёшида туғилган чақалоқларда ҳазм қилиш тизими томонидан бузилишларни эрта ташхислаш учун клинко-лаборатор кўрсаткичларни баҳолаш имконини берган ҳамда эрта коррекция қилиш натижасида вазн ортиши яхшиланган, реанимация бўлимида қолиш муддати қисқарган, касалланиш ва ногиронлик даражаси камайган, бу эса 20 нафар

бола учун 8640200 сўм маблағ иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** муддатига етмай туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш бузилиши асоратларини эрта ташхислашни яхшилаш, профилактик фармакотерапияни эрта бошлаш натижасида касалхонада бўлиш муддатини қисқартириб, 1 нафар эрта туғилган чақалоқни парвариш ва даволаш учун бюджет томонидан ажратиладиган маблағларни 432000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

**иккинчи илмий янгилик:** чала туғилган чақалоқларда бўшлиқдаги ҳазм қилиш ва ичак деворининг тўсиқ функцияси бузилишларининг оғирлик даражасини ортиши гестация ёшига ва микроб пейзажига боғлиқлиги: 28–32 ҳафтада туғилган чақалоқларда ҳаётининг биринчи ҳафтасида фекал эластаза кўрсаткичлари паст ( $166,6 \pm 64,6$  мг/г,  $p < 0,01$ ), альфа-1-антитрипсин даражаси юқори ( $375,4 \pm 18,6$  мг/дл,  $p < 0,001$ ) эканлиги, фойдали микрофлора колонизациясида жиддий кечикиш (*E.coli* – 0%, бифидобактериялар – 25,0%, лактобактериялар – 23,0%) ва шартли патоген флоранинг юқори учрашув частотаси (*Enterococcus faecalis* – 50,0%, *Klebsiella spp.* – 30,0%), облигат ва факультатив анаэроблар ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти Илмий кенгаши томонидан 2025 йил 18 мартда 03/1336-сон билан тасдиқланган "Эрта туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилишнинг функционал бузилишларини ташхислаш ва коррекциялаш" услубий тавсияларига киритилган ва мазкур таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси Республика болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 1 апрелдаги 33-сонли ва Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 22 мартдаги 22-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий техник Кенгашининг 25.04.2025 йилдаги 16/10-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** муддатидан олдин туғилган чақалоқларда ҳаётнинг биринчи ҳафтаси охирига келиб аниқланган паст даражадаги фекал эластаза,  $\alpha$ -1-антитрипсиннинг динамикада ортиши, нормал микрофлора камайиши фонида шартли патоген флора кўпайиши, облигат микрофлоранинг ёрқин етишмовчилиги ва антагонистик фаолиятнинг йўқлиги, эрта босқичларда яллиғланиш асоратлари, жумладан, некротик энтероколит ривожланиши хавфини аниқлаш ва ўз вақтида профилактика ҳамда даволашни таъминлаш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** микроб пейзажи ва нажас биомаркерларини ўрганиш асосида ўз вақтида ва фарқлаштирилган профилактика қўлланилиши шифохонада қолиш муддатини сезиларли даражада қисқартирди (ҳар бир беморга ўртача 8,8 кун), шу билан кўп маблағ талаб қиладиган асоратларни олдини олиш ва умуман олганда даволаш харажатларини камайтириш имконини берган 20 нафар чақалоқни даволашда ўртача 8640200 сўм иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** муддатига етмай туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизими томонидан асоратларни эрта ташхислашни оптималлаштириш патогенетик жиҳатдан асосланган профилактик даволашни ўз вақтида бошлаш ва ҳавfli асоратларни олдини олиш орқали ҳамда микроб пейзажи ва фекал маркерларни аниқлаш ва

пробиотик терапия қўллаш 1 бемор учун 432010 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

*учинчи илмий янгилик:* гестациянинг 28-36 ҳафталик муддатидан олдин туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш бузилишларини коррекциялашда *L. reuteri* бир компонентли пробиотикни комплекс даволашда қўллаш фекал калпротектин ( $p < 0,05$ ) ва альфа-1-антитрипсин ( $p < 0,05$ ) даражаларининг ижобий динамикасига эришилганлиги, некротик энтероколит билан касалланган болаларнинг яшовчанлиги 3% га ошганлиги, болаларнинг реанимация бўлимида бўлиш муддати ўртача  $8,8 \pm 0,01$  ( $p < 0,05$ ) кунга қисқарганлиги асосида самарадорлиги исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти Илмий кенгаши томонидан 2025 йил 18 мартда 03/1336-сон билан тасдиқланган "Эрта туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилишнинг функционал бузилишларини ташхислаш ва коррекциялаш" услубий тавсияларига киритилган ва мазкур таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси Республика болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 1 апрелдаги 33-сонли ва Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 22 мартдаги 22-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий техник Кенгашининг 25.04.2025 йилдаги 16/10-сонли хулосаси). ***Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:*** ҳазм қилиш тизими бузилишларини *L.Reuteri* бир компонентли пробиотикни қўллаш муддатидан олдин туғилган чақалоқларда комплекс терапия самарадорлигини оширади, клинко-лаборатор кўрсаткичларни яхшилайти, асоратлар ва некротик энтероколит ривожланиши ҳолатларини 2 марта камайтиради, болаларнинг стационарда қолиш муддатини қисқаришига имконини беради. ***Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:*** комплекс терапия таркибида бир компонентли *L.Reuteri* пробиотикни қўллаш стационар даволаниш муддатини қисқартириш (ўртача ҳар бир беморга 8,8 кун) ва касалланиш кўрсаткичларини яхшилаш имконини берган, бу эса 20 нафар муддатига етмай туғилган чақалоқлар учун ЧАРИТ бўлимида стационар даволаниш харажатларини 8640200 сўмга иқтисод қилишга эришилган. ***Хулоса:*** турли гестацион ёшдаги муддатидан олдин туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш бузилишларини комплекс даволаш таркибида ушбу препаратни қўллаш натижасида ЧАРИТ бўлимида стационар даволаниш харажатларини 1 бемор учун 432010 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*тўртинчи илмий янгилик:* муддатидан олдин туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш бузилишларини эрта аниқлаш ва коррекция қилиш алгоритмининг қўлланилиши туфайли некротик энтероколит ривожланиши частотасини 2 мартага камайтиришга ( $p < 0,05$ ), болалар яшовчанлиги 3,4% ортишига, бола ҳаётнинг биринчи йили давомида ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларини яхшиланишига ( $p < 0,05$ ) эришилганлиги исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти Илмий кенгаши томонидан 2025 йил 18 мартда 03/1336-сон билан тасдиқланган "Эрта туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилишнинг функционал бузилишларини ташхислаш ва коррекциялаш" услубий тавсияларига киритилган ва мазкур таклифлар Қорақалпоғистон

Республикаси Республика болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 1 апрелдаги 33-сонли ва Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 22 мартдаги 22-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий техник Кенгашининг 25.04.2025 йилдаги 16/10-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** ишлаб чиқилган муддатидан олдин туғилган чақалоқларда ҳазм қилишнинг функционал бузилишларини диагностика қилиш ва коррекциялаш алгоритми нутритив қўллаб-қувватлаш сифати яхшиланишига ҳамда узок муддатли антибактериал ва парентерал терапияга эҳтиёж камайишига ёрдам беради, оғир яллиғланиш асоратлари, жумладан, некротик энтероколит ривожланиши ҳолатларини камайтиради, болаларнинг яшовчанлигини оширади, ҳаётнинг биринчи йилида ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларини яхшилайдди, 28–32 ҳафта гестация ёшида туғилган заиф тоифадаги янги туғилган болаларда ногиронлик ҳолатларини камайтириш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ҳазм қилиш бузилишларини диагностика қилиш ва коррекция қилиш алгоритминини жорий этиш натижасида муддатидан олдин туғилган чақалоқларнинг стационарда қолиш муддати ва бир нафар беморни стационар даволаш харажатлари камайиб, 1 бемор учун стационар даволаш қийматини 432010 сўмга бюджет маблағларини иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** муддатидан олдин туғилган чақалоқларда ишлаб чиқилган алгоритмдан фойдаланиш эрта профилактик терапияни ўтказиш ва аксарият беморларда муддатидан олдин туғилган чақалоқларда ошқозон-ичак тракти томонидан асоратлар ривожланишининг олдини олиш имконини берди, бу эса 1 нафар бемор учун 432010 сўм бюджет маблағларини иқтисод имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу диссертация тадқиқотининг натижалари 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда тақдим этилган ва муҳокамадан ўтказилган

**Тадқиқот натижаларининг эъдон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш эълон қилинган, шундан 6 та мақола, шу жумладан 4 та республика ва 2 та хорижий Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларда эълон қилинган. 1 та услубий тавсиянома ва 4 та тезис халқаро конференция тўпламларида нашр этилган.

**Диссертация структураси ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш,

нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Муддатдан олдин туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш функционал бузилишларининг хусусиятлари ва коррекцияси тўғрисидаги замонавий тасаввурлар"** деб номланган биринчи боби 4 та кичик бобдан иборат бўлиб, адабиётлар шарҳи келтирилган. Шарҳда муддатига етмай туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш бузилишларининг тарқалиши, этиологияси ва патогенези, клиник ва лаборатория диагностикаси, олдини олиш ва даволаш усуллари ҳақидаги замонавий маълумотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **"Клиник материал ва қўлланилган тадқиқот усуллариининг тавсифи"** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари батафсил тавсифланган. Тадқиқотга Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика перинатал марказида (РПМ) туғилган 128 нафар янги туғилган чақалоқ киритилган, шунингдек, РПМ консультатив-диагностик поликлиникасида катамнездаги болалар бир ёшгача амбулатор кузатувда бўлган.

Янги туғилган чақалоқлар гестацион ёшига қараб 3 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ - гестацион ёши 28-32 ҳафта бўлган 48 нафар муддатига етмай туғилган чақалоқлар; 2-гуруҳ - гестация муддати 33-36 ҳафта бўлган 60 нафар муддатига етмай туғилган чақалоқлар; назорат гуруҳи (НГ) 20 нафар муддатида туғилган деярли соғлом чақалоқлардан иборат бўлди.

Тадқиқотда анамнестик, клиник ва инструментал усуллар, лаборатор умумклиник ва биокимёвий тадқиқот усуллари, нажасни бактериологик текшириш, шунингдек, статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг статистик ишлови вариацион статистика усуллари ёрдамида Microsoft Office Excel–2019 ва STATISTICA 12.6 (Dell, АҚШ, 2015й) дастурлари, шунингдек <https://medstatistic.ru/calculators/calcrisk.html> домени орқали ўртача квадратик оғиш ва ўртача арифметик хатони ( $M \pm m$ ) моментлар усули бўйича ҳисоблаш билан амалга оширилди. Шунингдек, олинган натижаларни қайта ишлаш жараёнига қуйидагилар киритилди: ROC-таҳлил - кўрсаткичларнинг прогностик аҳамиятини аниқлаш учун сезгирлик, махсуслик ва қиёфа остидаги майдонни (AUC) ҳисоблаш; логистик регрессия - хавф омилларини баҳолаш ва бинар натижалар мавжуд бўлган ҳолларда прогностик моделлар тузиш; улушлар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилигини баҳолаш - Пирсоннинг  $\chi^2$ -критерий ёки Фишернинг аниқ тестидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг **"Гестацион ёшга қараб эрта туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизими бузилишларининг клиник ва лаборатория хусусиятлари"** деб номланган учинчи бобида ўрганилаётган болаларнинг клиник текшируви натижалари тақдим этилган. Динамик ўзгаришлар аспектида эрта ва кечки неонатал давр кўрсаткичлари ҳисобга олинди. Акушерлик анамнези, туғилгандаги ва динамикада тана вазни, буйи, ТВИ кўрсаткичлари, овқат ҳазм қилиш бузилишининг хавф омиллари мавжудлиги, клиник, лаборатория ва инструментал тадқиқотлар натижалари баҳоланди.

Текширилган болаларнинг перинатал хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш натижасида гуруҳлар ўртасида туғилгандаги тана вазни, ҳомиладорлик муддати ва тана узунлиги бўйича сезиларли фарқлар аниқланди. Такдим этилган маълумотларга кўра, назорат гуруҳидаги болаларнинг туғилгандаги ўртача тана вазни  $3262 \pm 60,3$  граммни ташкил этган бўлса, 2-гуруҳда бу кўрсаткич  $2287 \pm 58,5$  грамм, 1-гуруҳда эса атиги  $1445 \pm 47,6$  граммни ташкил этди. Бу эса биринчи кичик гуруҳда чала туғилишнинг яққол даражасини кўрсатади. Худди шундай ҳолат тана узунлиги ва ҳомиладорлик муддатига нисбатан ҳам кузатилди: назорат гуруҳида ўртача тана узунлиги  $50,2 \pm 0,8$  см, ҳомиладорлик муддати  $38,6 \pm 0,8$  ҳафта бўлган бўлса, 2-гуруҳда бу кўрсаткичлар мос равишда  $45,3 \pm 0,7$  см ва  $34,6 \pm 0,1$  ҳафта ( $32,1-36,6$  ҳафта), 1-гуруҳда эса  $36,5 \pm 0,8$  см ва  $30,1 \pm 0,4$  ҳафта ( $28,4-32$  ҳафта) ни ташкил этди. Ушбу параметрлар чала туғилиш даражасига қараб янги туғилган чақалоқларни гуруҳларга тақсимлашнинг асосли эканлигини тасдиқлайди ва кузатув гуруҳлари ўртасида туғилишдан олдинги ривожланишдаги сезиларли фарқларни акс эттиради.

1-гуруҳни ташкил этган болаларнинг оналари ўртача  $26,4 \pm 0,57$  ёшда, 2-гуруҳдаги муддатдан олдин туғилганларнинг оналари эса ўртача  $25,4 \pm 0,64$  ёшда эди, бунда ишончли фарқлар кузатилмади. Биринчи ҳомиладорликдан туғилган болалар 2-гуруҳда 1-гуруҳга ( $28,3\%$ ) нисбатан биров кўпроқ эди -  $39,6\%$ . 1-гуруҳда 3 ва ундан ортиқ ҳомиладорликдан туғилган чақалоқлар  $45\%$  ни, 2-гуруҳда эса  $38,3\%$  ни ташкил этди, аммо бу фарқ ҳам ишончли эмас эди ( $p > 0,05$ ). Оналар гуруҳлари ўртасидаги ишончли фарқ фақат туғруқ усулида кузатилди. Масалан, кесарча кесиш 1-гуруҳда 2-гуруҳга қараганда  $1,5$  баравар кўпроқ амалга оширилди ( $28,9\%$  га нисбатан  $19,3\%$ ).

Текширилган болалар оналарининг клиник-анамнестик маълумотлари таҳлили шуни кўрсатдики, биринчи гуруҳ чақалоқлари оналарида антибактериал даволаш ва оператив туғдиришни талаб этадиган ҳомиладорлик асоратлари, шунингдек, оғир преэклампсия ҳамда бачадон-йўлдош-ҳомила қон айланишининг бузилишлари кўпроқ кузатилган. Бу эса чала туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилишнинг функционал бузилишлари ривожланиш хавфини баҳолашда она анамнезини ҳисобга олиш зарурлигини тасдиқлайди.

Иккала гуруҳда ҳам ( $n=108$ ) барча болалар ҳаётининг дастлабки 3 соатидан бошлаб туғруқхонада соғиб олинган она сутининг бир неча томчисидан бошлаб (катта ёшдаги гуруҳда кўкракка қўйиш -  $32,4\%$ ) ва кейинчалик протоколга мувофиқ ҳар 3 соатда болос усулида овқатлантиришни бошладилар.

## 1-жадвал

### Янги туғилган чақалоқларни озиқлантириш турлари

Озиқлантириш тури	1-гуруҳ (n=48)	2-гуруҳ (n=60)
Кўкрак сути билан	7 (14,5%)	25 (41,6%)
Аралаш	11 (22,9%)	28 (46,6%)
Сунъий	30 (62,5%)	7 (11,6%)

Биринчи гуруҳдаги болаларни озиклантириш зонд орқали амалга оширилди, чунки текширилган муддатдан олдин туғилган чақалоқларнинг 88,8% (n=34) да сўриш рефлекси йўқ эди, тўрттасида эса кучсиз ифодаланган эди. Иккинчи гуруҳда дастлабки соатлардан бошлаб 47,6% болалар шприц орқали, 32,4% болалар кўкракка қўйиш орқали, қолган болалар эса зонд орқали озиклантирилди. 1-жадвалдан кўриниб турибдики, текширилган болаларда асосий озиклантириш тури сунъий ва аралаш озиклантириш бўлган.

Клиник белгилар таҳлили шуни кўрсатдики, 34% муддатидан олдин туғилган чақалоқларда кунлик нормадан паст бўлган (12 мг/кг) вазн қўшиш камайиши кузатилган, 1-группа болаларининг 43,6%ида ва 2-группа болаларининг 20%ида зонд орқали чиқадиган зонд суюқлик массаларда патологик қўшимчалар мавжуд эди.

Муддатидан олдин туғилган чақалоқларда овқат ҳазм қилиш тизимининг функционал бузилишлари гестация муддатига боғлиқ бўлмасдан кўпроқ ҳолларда меъда ва ўн икки бармоқли ичак реғургитацияси кўринишида намоён бўлади, бу ҳолатлар тахминан ҳолатларнинг ярмида аниқланган, шунингдек, дисхезия ва функционал қабзият билан намоён бўлган. Шу билан бирга, ушбу кўрсаткичлар гестация ёши билан тескари боғлиқликка эга бўлиб, асосан 28–32 ҳафта гестация муддатида туғилган болаларда яққолроқ кузатилган (p<0,05) (жадвал 2).

## 2-жадвал

### Муддат олдин туғилган чақалоқларда ошқозон-ичак бузилишлари

Бузилиш тури	1-гуруҳ (n=48)	2-гуруҳ (n=60)
Ошқозон реғургитацияси	8 (16,6%)*	4 (6,7%)
Ўн икки бармоқли ичак реғургитацияси	13 (27,08%)*	8 (13,3%)
Функционал қабзият	6 (12,5%)*	4 (6,7%)
Дисхезия	9 (18,7%)*	3 (5%)

**Изоҳ:** \* - биринчи ва иккинчи гуруҳ кўрсаткичлари таққосланганда p<0,05.

Шу тариқа, муддатидан олдин туғилган чақалоқларда ҳазм қилиш бузилишларининг клиник белгилари кунлик нормадан паст бўлган вазн қўшишнинг камайиши, зонд орқали чиқадиган суюқликда патологик қўшимчаларнинг мавжудлиги билан намоён бўлади, шунингдек, меъда ва ўн икки бармоқли ичак реғургитациясига эга бўлган болаларнинг катта қисми 28–32 ҳафта гестация муддатида туғилган болалар орасида аниқланган.

Яллиғланиш маркерларини ўрганишда биз қон зардобдаги СРО каби фекал калпротектин (ФК) даражаси болаларнинг биринчи гуруҳида иккинчисига қараганда сезиларли даражада юқори эканлигини аниқладик (3-жадвал) 211,10±14,50 мкг/г гача, ва 2чида 104,64±5,64 мкг/г гача етди (p <0,05).

## 3-жадвал

### Тадқиқот гуруҳларида яллиғланиш маркерларининг қийматлари (M±m)

Кўрсаткич	1-гуруҳ (n=48);	2-гуруҳ (n= 60).	Назорат (n=20).
ФК, мкг/г	211,10±14,50*^^	104,64±5,64^	61,23±4,72
СРО, мг/л	17,3±2,1^	15,4±2,2^	9,13±1,13
ЛИИ	0,06±0,00	0,06±0,00	0,05±0,01

**Изоҳ:** \* - p<0,05 чи ва 2 чи гуруҳларнинг кўрсаткичлари билан солиштирилганда; ^ - p <0,05 и ^^ - p <0,01 назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан солиштирилганда.


Ичак шиллик қаватининг яллиғланиш даражасини акс эттирувчи фекал калпротектин (ФК) даражаси, айниқса 1-гуруҳда (ҳомиладорлик муддати 28-32 ҳафта) эрта туғилган чақалоқларда сезиларли даражада ошди, бу ерда у назорат гуруҳидаги  $61,23 \pm 4,72$  мкг/г га нисбатан  $211,10 \pm 14,50$  мкг/г ни ташкил этди ( $p < 0,05$ ), бу эса жуда эрта туғилган чақалоқларда кучли ичак яллиғланиш реакциясини кўрсатади.

Яллиғланишнинг тизимли белгиси сифатида С-реактив оксил (СРО) концентрацияси ҳам муддатига етиб туғилган чақалоқларда муддатига етиб туғилган чақалоқларга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди: 1-гуруҳда -  $17,3 \pm 2,1$ , 2-гуруҳда -  $15,4 \pm 2,2$ , назорат гуруҳида эса - атиги  $9,13 \pm 1,13$  мг/л ( $p < 0,05$ ), бу неонатал даврда тизимли яллиғланиш жавоби мавжудлигини тасдиқлайди.

Лейкоцитар интоксикация индекси (ЛИИ) барча гуруҳларда ишончли фарқларсиз барқарор даражада сақланиб қолди ( $0,05-0,06$ ), бу эса энтерал яллиғланишни эрта аниқлаш учун янги туғилган чақалоқларда унинг диагностик аҳамияти чекланганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатадики, ФКни аниқлаш объектив ва ноинвазив тест бўлиб, ундан муддатидан олдин туғилган чақалоқлар учун НЭКнинг предиктори сифатида фойдаланиш мумкин.

Болалар ҳаётининг 3-5 кунда, энтерал овқатланиш ҳажми 70% ва ундан ортиқ фоизга етганда, фекал эластаза (ФЭ) текшируви ўтказилди. 1-диаграммада кўрсатилганидек, ФЭ фаоллигини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, биринчи гуруҳ болаларида ҳаётнинг 1чи ҳафтасига келиб ўртача даражадаги экзокрин панкреатик етишмовчилик (ЭПЕ) аниқланди, бу гуруҳда ФЭ нинг ўртача кўрсаткичлари  $166,6 \pm 64,6$  мг/г ни ташкил этди ва улар  $326,0 \pm 26,0$  мг/г ( $p < 0,05$ ) ни ташкил этган муддатида туғилган чақалоқлар кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада паст бўлди, 32 ҳафтадан 36 ҳафтагача бўлган гестация ёшидаги болалар гуруҳида эса ҳаётнинг иккинчи ҳафтаси охирига келиб ФЭ қийматлари сезиларли даражада юқори бўлиб,  $278,61 \pm 10,3$  мг/г ( $p < 0,05$ ) ни ташкил этди ва улар муддатида туғилган маълумотлар кўрсаткичларидан паст бўлса-да, фарқ сезиларли даражада бўлмади (1-расм)



**1-Расм. Чақалоқларда гестация муддатига кўра ФЭ кўрсаткичлари**

Нажас эластазасининг 200 мг/г нажасдан юқори бўлиши меъда ости беши фаолиятининг меъерий белгиси сифатида баҳоланди. 100-200 мг/г оралиғидаги кўрсаткичлар ушбу аъзонинг ўртача даражадаги етишмовчилигини, 100 мг/г дан паст кўрсаткичлар эса ошқозон ости безининг оғир даражадаги экзокрин етишмовчилигини кўрсатди. Текширилган болалар ўртасида панкреатик етишмовчилик даражаларининг тақсимланиши тахлили гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқларни кўрсатди. 4-жадвалдан кўришиб турибдики, биринчи гуруҳда (ҳомиладорлик муддати паст бўлган муддатдан олдин туғилган чақалоқлар, n=48) ошқозон ости беши экзокрин етишмовчилигининг оғир даражаси (ФЭ < 100 мг/г) 2,08% беморларда аниқланган, қолган гуруҳларда эса бу даража қайд этилмаган. Ўртача даражадаги етишмовчилик (ФЭ 100-200 мг/г) биринчи гуруҳдаги болаларнинг 10,4 фоизида, иккинчи гуруҳда 6,6 фоизида (n=60) ва назорат гуруҳида 5 фоизида (n=20) аниқланган. Нажас эластазасининг меъерий кўрсаткичлари (>200 мг/г) барча гуруҳларда энг кенг тарқалган, аммо уларнинг частотаси биринчи гуруҳда (87,52%) иккинчи гуруҳга (93,4%) ва назоратга (95,0%) нисбатан биров паст бўлган. Биринчи гуруҳдаги болаларда бошқа гуруҳларга нисбатан ошқозон ости безининг ўртача ва оғир даражадаги экзокрин етишмовчилигининг юқори тарқалиши аниқланди, бу эса муддатдан олдин туғилган чақалоқларда ошқозон-ичак трактининг функционал этилмаганлигидан далолат бериши мумкин (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Болаларда турли даражадаги ошқозон ости беши етишмовчилиги, %

Кўрсаткичлар	1-гуруҳ n=48	2-гуруҳ n=60	Назорат n=20
ФЭ кўрсаткичлари 100 мг/г дан паст (ЭПЕнинг оғир даражаси)	1 (2,08%)	-	-
100,0-200,0 мг/г (Ўртача ЭПЕ)	5 (10,4%)	4 (6,6%)	1 (5%)
200,0 мг/г дан ортик (ФЭ нинг нормал кўрсаткичлари)	42 (87,52%)	56 (93,4%)	19 (95,0%)


Натижалар шуни тасдиқлайдики, фермент фаоллигининг пасайиши кўпинча эрта туғилган чақалоқларда (ҳомиладорликнинг 28-32 ҳафтаси) кузатилади, бу эса эрта ташхис қўйиш ва ўринбосар фермент терапиясини тайинлашни талаб қилади.

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотимизда фекал эластаза даражаси бўйича баҳоланган бўшлиқдаги овқат ҳазм қилишнинг бузилиши гестация ёши кичик бўлган барча муддатига етмай туғилган чақалоқларга хос бўлиб, улардаги кўрсаткичлар ( $166,6 \pm 64,6$  мг/г) назорат гуруҳидаги болаларникига ( $326,0 \pm 26,0$ ,  $p < 0,05$ ) нисбатан деярли 2 баравар паст бўлган. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, гестация ёши 28–32 ҳафта бўлган чала туғилганларда икки ҳафталик ёшига келиб ўрта даражадаги ошқозон ости беши етишмовчилиги кузатилади. Шу билан бирга, гестация ёши 32–36 ҳафта бўлган чала туғилган болаларда ҳам фекал эластаза кўрсаткичлари ( $278,61 \pm 10,3$ ) етук туғилган болаларникидан ( $326,0 \pm 26,0$ ) паст бўлган, аммо фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятсиз.

Маълумки, муддатидан олдин туғилган чақалоқларда ичак деворларининг шаклланиши ҳомиладан ташқари ҳаётга мослашиш учун муҳим аҳамиятга эга. Барьер функцияси бузилишининг энг сезгир ва ноинвазив биомаркерларидан бири фекал альфа-1-антитрипсин ( $\alpha$ -1-АТ) ҳисобланади. Унинг ошиши шиллиқ қават ўтказувчанлигининг ошишини акс эттиради ва энтеропатия белгиси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Микрофлора таҳлили билан биргаликда  $\alpha$ -1-АТ неонатал мослашув даврида ичак ҳолати ҳақида муҳим маълумот беради.

Фекал  $\alpha$ -1-антитрипсин ичак ўтказувчанлигининг ортишида сезгир биокимёвий кўрсаткич бўлиб, айниқса, ошқозон-ичак тизимидаги яллиғланиш ва функционал бузилишларда аҳамиятлидир. Унинг кўтарилиши шикастланган шиллиқ қават орқали плазма оқсилларининг транссудациясини акс эттиради ва энтеропатиянинг, шу жумладан чала туғилган болаларда ҳам, эрта белгиси сифатида хизмат қилиши мумкин.

Микроб пейзажини таҳлил қилиш билан бирга  $\alpha$ -1-АТ неонатал мослашув даврида ичак ҳолати ҳақида муҳим маълумот беради. 2-расмдан кўриниб турибдики,  $\alpha$ -1-антитрипсин даражалари чала туғилган чақалоқларда ойига етиб туғилган болаларга нисбатан ҳаётнинг 3-куниёқ анча юқори бўлиб, кейинчалик 14-куни янада ортади. Ойига етиб туғилган болаларда  $\alpha$ -1-АТ кўрсаткичлари шартли меъёр чегарасида (50 мг/дл гача) сақланади, чала туғилганларда эса уни 7–40 мартагача ошиб кетади. 1-группада  $\alpha$ -1-антитрипсин концентрацияси ҳаётнинг 3-кунида  $375,4 \pm 18,6$  мг/дл ва 14-кунида  $481,2 \pm 21,3$  мг/дл ( $p < 0,05$ ) ни ташкил қилди. 2-группада кўрсаткичлар янада юқори бўлиб, мос равишда  $424,1 \pm 20,8$  мг/дл ва  $543,9 \pm 23,6$  мг/дл ( $p < 0,05$ ) бўлди. Ойига етиб туғилган янги туғилган болаларда  $\alpha$ -1-антитрипсин даражалари меъёр доирасида сақланиб, 3-кунида  $11,5 \pm 2,1$  мг/дл ва 14-кунида  $13,6 \pm 2,3$  мг/дл бўлган. Олинган маълумотлар чала туғилган чақалоқларда ичак ўтказувчанлигининг ошиши ва оқсил йўқотилишига ишора қилади, айниқса гестация ёши 33–36 ҳафта бўлган нисбатан етук чала туғилганларда бу ҳолат яққол намоён бўлган. Бу натижаларнинг сабаби шундаки, кўпроқ етук чақалоқлар одатда эрта тўлиқ энтерал овқатланишга, шу жумладан она сути ва қўшимча аралашмаларга ўтказилади.  $\alpha$ -1-АТ - ошқозон-ичак тизимида парчаланмайдиган оқсил бўлиб, унинг калда юқори даражалари овқатланишда энтерал юкломани ортиши ва шу муносабат билан шиллиқ қават ўтказувчанлигининг кучайганини акс эттиради.



\* - назорат гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқори ( $p < 0,001$ )

**2-Расм. Фекал  $\alpha$ 1-антитрипсинни динамикадаги кўрсаткичлари, мг/дл**


Шундай қилиб, фекал  $\alpha$ 1-антитрипсин даражаси муддатига етмай туғилган чақалоқларда ичак тўсиғи бузилишининг сезгир белгиси ҳисобланади. Ҳаётнинг 3-кунида ва айниқса 14-кунида унинг барқарор кўтарилиши микробли етилмаганлик ва дисбиоз маълумотлари билан бирга келади, айниқса ҳомиладорлик муддати <33 ҳафта бўлганда.  $\alpha$ -1-АТ ва бактериологик экмани интеграл баҳолаш ошқозон-ичак трактининг функционал ва яллиғланиш бузилишлари хавфини объектив баҳолашга имкон беради. Олинган маълумотлар некротик энтероколит ва метаболик бузилишларнинг олдини олиш учун эрта туғилган чақалоқларда ичак ўтказувчанлиги ва микроб таркибини мониторинг қилиш зарурлигини тасдиқлайди.

Турли гестацион ёшдаги янги туғилган чақалоқларда ичак микрофлораси таркибини таҳлил қилиш диаграммада келтирилган нажасни бактериологик экиш маълумотларини қиёсий баҳолаш муддатидан олдин туғилиш даражасига қараб янги туғилган чақалоқларда ичак микрофлораси шаклланишида етук туғилган чақалоқларга нисбатан сезиларли фарқларни аниқлаш имконини беради. Қалнинг бактериологик таҳлили микдорий микробиологик стандарт усуллари ёрдамида, колонизация даражаси ва микроорганизмлар турини аниқлаш билан ўтказилди. (3-расм).

Уч ўлчамли диаграммадан фойдаланиш гуруҳлар орасида микроб колонизациясидаги фарқларни яққол баҳолаш имконини беради. *Escherichia coli*'нинг нормал ферментатив фаолликка эга тури 1-группа болаларининг 27%ида, 2-группада 16,6% ва ойига етиб туғилган болалар (назорат гуруҳи)да 66,6% ҳолларда аниқланган. Бу маълумотлар чала туғилганларда нормал микрофлора шаклланишининг жиддий кечикишини кўрсатади. *Enterococcus faecalis* 1-группадаги болаларнинг 50%ида, 2-группада 16% ва назорат гуруҳида 86% ҳолларда топилган, бу эса ойига етиб туғилган чақалоқларда микроб пейзажининг кўпроқ етуклигини кўрсатади. Бифидобактериялар 1-группада 20%, 2-группада 50% ва назорат гуруҳида 90% ҳолларда аниқланган. Лактобактериялар бўйича ҳам ўхшаш кўриниш қайд этилган: чуқур чала туғилганларда 23%, ўртача чала туғилганларда 10% ва ойига етиб туғилганларда 60%.

*Candida spp.* фақатгина ойига етиб туғилган болаларнинг 10%ида топилган, чала туғилганларда эса умуман аниқланмаган. *Klebsiella pneumoniae* ва *Enterobacter cloacae* 1-группадаги болаларнинг 30%ида, 2-группада 52% ва назорат гуруҳида 10% ҳолларда учраган. Бу чала туғилганларда шартли патоген флора билан колонизацияга мойилликни кўрсатади. Микробиотанинг антагонистик фаоллиги барча чала туғилганларда аниқланмаган, ойига етиб туғилганларда эса 50% ҳолларда қайд этилган, бу нормал гестация ёшида туғилган чақалоқларда микрофлоранинг етуклиги ва функционал фаоллигини намоён этади. Маълумотларни визуализация қилиш гуруҳлар орасида ишончли фарқларни аниқлаш имконини берди. Ҳамма болаларда сальмонелла ва шигелла кўзғатувчилари топилмади. Бироқ *Escherichia coli*'нинг нормал ферментатив фаолликка эга тури бўйича муҳим фарқ аниқланди: назорат

гурухида 66,6%, 1 ва 2-группа чала туғилганларда мос равишда 27% ва 16,6%. Бу ичакнинг нормал колонизацияси кечикишини кўрсатади.



### 3-Расм. Микроб пейзажининг кўрсаткичлари (%)

